

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

7 ЖИЛД, 9 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 7, НОМЕР 9

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 7, ISSUE 9



# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№9 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2022-9>

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Fayziev Shoxrud Farmonovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

**Boboyev Halimboy Boboyevich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Sattorov Abdug'affor**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Artur Gambaryan**

yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)

**Yosuke Shamoto**

yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖЖОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

**Malikova Gulchexra**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Xusanov Ozod Tillabayevich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Selimanova Svetlana Mixaylovna**

yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

**Xvan Leonid Borisovich**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Peshkova Xristina Vyacheslavovna**

yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

**Sung Un Lee**

yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

**Oqyulov Omonboy**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ruziyev Rustam Jabborovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Borotov Mirodiljon Xomudjonovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Toshev Boboqul Norqobilovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Shomuxamedova Zamira Shoislamovna**

yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

**Ahmad Issa Altweissi**

yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

**Esanova Zamira Normurodovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Egamberdiyev Eminjon**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jason A.**

Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

**Usmanova Muborak Akmalxanovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Gasanov Mixail Yuriyevich**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Sattorova Gulnoza Djurakulovna**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Murodova Gulnora**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Denisov Gleb**

yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Fayziyev Shuxrat Xasanovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Usmonov Muhammadi Bahridinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xolmuminov Juma**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jo'rayev Yuldash Achilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Skripnikov Nikolay Kuzmich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Po'latov Baxtiyor Xalilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salomov Baxrom Salomovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salayev Nodirbek Saparbayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Osmonaliev Qayrat**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Aleksey Kibalnik**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Kudryavtsev Vladislav Leonidovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Sergey Shoshin**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**James B.**  
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

**Rustambayev Mirzayusup Hakimovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Zufarov Rustam Axmedovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Kabulov Rustam**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Rajabova Mavjuda Abdullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Taxirov Farhod**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ismailov Isomiddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li**  
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)  
**Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Djansarayeva Rima Ernatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Yelena Antonyan Aleksandrovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Matthew Light**  
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


**Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Pulatov Yuriy Safiyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**To'laganova Gulchehra Zaxitovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirazov Davron Miragzamovich**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)  
**Rijakov Aleksandr Petrovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Stoyko Nikolay Genadyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Iskandarov Zayniddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Sergey Pen**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Aleksey Purs**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)  
**Jurgen Maurer**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)  
**Kevin Curtin**  
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

**Ismoilov Bahodir Islamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yuldasheva Govxerjan**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Alexander Trunk**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)


<b>1. Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна</b> ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ: НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	5
<b>2. Умаров Бекзод Азаматович</b> ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА НОМАРКАЗЛАШТИРИШ ИСЛОХОТЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	19
<b>3. Абдуллаева Мафтуна Мурот кизи</b> ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ.....	26
<b>4. Avezov Umidjon Toshpulatovich</b> JAMOAT BIRLASHMASI SIFATIDA KASABA UYUSHMALARINING HUQUQIY MAQOMI VA YURIDIK TABIATI.....	34
<b>5. Toshmuxammadov Asadbek Yusup o‘g‘li</b> O‘ZBEKISTONDA OMMAVIY TADBIR O‘TKAZISH TARTIBINING HUQUQIY ASOSLARI (QIYOSIY-HUQUQIY TAHLIL).....	43
<b>6. Муракаева Зухра Ильгизаровна</b> СХОДСТВА И РАЗЛИЧИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬНЫХ НОРМ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ В СФЕРЕ ОБЕСПЕЧЕНИЯ АВТОРСКОГО ПРАВА.....	50
<b>7. Джалилов Фуркат Закирович</b> ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИНИНГ МУЛКИЙ МАНФААТДОРЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР ТУШУНЧАСИ.....	58
<b>8. Иброхимов Жамшид Абдуғофур ўғли</b> ЯЛПИ ҚИРҒИН ҚУРОЛЛАРИНИНГ НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ ВА ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	66
<b>9. Jumanazarova Marjona Botir qizi</b> OXIRGI ZARURAT NAZARDA TUTILGAN NORMALARNING RIVOJLANISH TARIXI VA O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI JINOYAT KODEKSIGA KIRITILISHINING ZARURATI.....	77
<b>10. Худайкулов Ферузбек Хуррамович</b> ЖИНОЯТ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ ФАКУЛЬТАТИВ БЕЛГИЛАРИ: УЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ВА ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ.....	87
<b>11. Хидоятлов Бахтиёр Батирович</b> ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ПРОЦЕССУАЛ ШАКЛ: МОҲИЯТИ, ТАВСИФИ ВА АҲАМИЯТИ.....	100
<b>12. Полвонов Нажмиддин Аслидинович</b> ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МУСОДАРА ҚИЛИНИШИ МУМКИН БЎЛГАН МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ.....	108



**Умаров Бекзод Азаматович,**  
 Тошкент давлат юридик университети  
 Бизнес ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси  
<https://orcid.org/0000-0002-3400-9439>  
 E-mail: b.a.umarov@tsul.uz

### ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА НОМАРКАЗЛАШТИРИШ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ЎРНИ

**For citation:** Umarov Bekzod Azamatovich. THE ROLE OF DECENTRALIZATION REFORMS IN IMPROVING THE EFFICIENCY OF PUBLIC ADMINISTRATION. Journal of Law Research. 2022, 7 vol., issue 9, pp. 19-25

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7243269>

#### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада давлат бошқаруви тизимининг модернизациялаш масалалари ва маъмурий ислоҳотлар шароитида номарказлаштириш ислоҳотларининг мазмун-моҳияти ёритилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг тараққиёт стратегияси асосида самарали давлат бошқарувини шакллантиришга қаратилган асосий чора-тадбирлар борасида амалга оширилаётган босқичма-босқич ислоҳотларнинг аҳамияти таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада номарказлаштириш институтининг қўлланилиши, марказий ҳокимият ваколатларини қуйи бўғиндаги бирликларга ўтказилиши ёки деругуляция қилиниши ёрдами бошқа назорат механизмлари орқали тартибга солиш имкониятлари таҳлил этилган ҳамда ўзини-ўзи бошқариш принципларини жорий этиш масалалари ҳам шакллантириётгани ёритилган.

**Калит сўзлар:** номарказлаштириш, давлат бошқарувини модернизациялаш, демократлаштириш, маъмурий ислоҳотлар, самарали бошқарув, ўз-ўзини бошқариш, фуқаролик жамияти.

**Умаров Бекзод Азаматович,**  
 Старший преподаватель кафедры Бизнес право  
 Ташкентского государственного юридического университета  
<https://orcid.org/0000-0002-3400-9439>  
 E-mail: b.a.umarov@tsul.uz

### РОЛЬ РЕФОРМ ДЕЦЕНТРАЛИЗАЦИИ В ПОВЫШЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ

#### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассмотрены вопросы модернизации системы государственного управления и сущность реформ децентрализации в контексте административных реформ. При этом проанализировано основные меры и значение реализуемых поэтапных реформ, направленных на формирование эффективного государственного управления на основе Стратегии развития

Республики Узбекистан. В статье также изучается, правовой опыт применение интситута децентрализации, передача полномочий от центральной власти нижестоящим подразделениям или во все дерегулированием, анализируются возможности регулирования через иные механизмы контроля, а также вопросы формирования ир развития органов самоуправления на основе внедрения принципов децентрализации.

Ключевые слова: децентрализация, модернизация государственного управления, демократизация, административные реформы, эффективное управление, самоуправление, гражданское общество.

**Umarov Bekzod Azamatovich,**

Senior Lecturer of the Business Law Department

of Tashkent State University of Law

<https://orcid.org/0000-0002-3400-9439>

E-mail: [b.a.umarov@tsul.uz](mailto:b.a.umarov@tsul.uz)

## THE ROLE OF DECENTRALIZATION REFORMS IN IMPROVING THE EFFICIENCY OF PUBLIC ADMINISTRATION

### ANNOTATION

This article examines the issues of modernization of the public administration system and the essence of decentralization reforms in the context of administrative reforms. At the same time, the main objectives and significance of the implemented phased reforms aimed at the formation of effective public administration based on the Development Strategy of the Republic of Uzbekistan are analyzed. The article also examines the legal experience of using the institution of decentralization, the transfer of powers from the central government to lower units or deregulation, analyzes the possibilities of regulation through other control mechanisms, as well as the formation of the ir development of self-government bodies based on the implementation of the principles of decentralization.

**Keywords:** decentralization, modernization of public administration, democratization, administrative reforms, effective governance, self-government, civil society.

Бугунги кунда мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг турли жабҳаларида тубдан янгиланиш жараёнлари кечмоқда. Ушбу ислохий ўзгаришларга сиёсий-ҳуқуқий ҳамда ташкилий асос бўлиб, йилларга 2022 — 2026 йилларга мўлжалланга янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси хизмат қилмоқда [1]. Ушбу ҳужжатнинг 6-мақсади давлат бошқаруви тизимида маъмурий аппаратни ихчамлаштириш ва иш жараёнларини мақбуллаштириш ҳисобланиб, унда ушбу соҳадаги ислохотларнинг йўналиши сифатида **Давлат бошқарувини номарказлаштириш** ишларини жадаллаштириш ҳамда давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш ҳам алоҳида мустаҳкамланган.

Ушбу бош ҳужжатнинг биринчи йўналиши моҳиятан давлат бошқарувини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, унда давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислох қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, “Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш – асосий йўналишлар сифатида белгиланган.

Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиётнинг ривожланиши иқтисодий муносабатларнинг давлат-ҳуқуқий тартибга солиниши механизмнинг амалга оширилиши ҳамда иқтисодий жараённи бошқаришда давлатнинг ўрни ва ролини аниқлаш билан боғлиқ.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтишда амлага оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири Давлатдан – нодавлат иқтисодий тузилмаларга босқичма-

босқичма ўтказиш ҳисобланади. Самарали давлат бошқарувини шакллантиришнинг асосий вазифаларидан бири давлатнинг иқтисодиётга тўғридан-тўғри аралашини қисқартириш ва чеклаш масалалари ҳисобланади. Маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида сиёсий раҳбарият каттаю-кичик барча иқтисодий масалаларни назорат қилар ва улар бўйича қарор қабул қилар эди. Илмий-техник тараққиёт чуқурлашиши ва одамларнинг эҳтиёжлари кенгайиши баробарида ижтимоий тақрор ишлаб чиқаришнинг мураккаблашиши давлатнинг тўғридан-тўғри раҳбарлик қилиши концепциясига асосланган иқтисодиётнинг лаёқатсизлиги ва рақобатга бардошли эмаслигини кўрсатди. Шу муносабат билан қайта ўзгартириш жараёнларини бошидан кечирган мамлакатларда ижтимоий ва давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилишнинг биринчи навбатдаги мақсади давлатнинг иқтисодиётдаги принципиал жиҳатдан янги ролини аниқлашдан иборатдир [2]. Мазмун-моҳиятига кўра ушбу соҳадаги тараққиёт маъмурий бошқарув соҳасидаги ислоҳотларнинг олға силжиши ва муваффақият қозонишининг ҳал қилувчи кўрсаткичи ҳисобланади.

Зеро, янги дунёда ҳукуматнинг асосий роли нафақат тартибга солиш ва қарор қабул қилиш орқали жамоатчиликнинг хатти-ҳаракатларини (баъзан тегишли бўлиши мумкин бўлса-да), балки жамиятни “тўғри” йўналишга йўналтиришдир. Ҳукумат жамият олдида турган долзарб муаммоларни самарали ва ўз вақтида ҳал қилиш учун хусусий ва нотижорат ташкилотлар билан биргаликда ҳаракат қилишини тақозо этмоқда. Ушбу жараёнда ҳукуматнинг роли назорат функциясидан кун тартибиди шакллантириш, тегишли механизмларни жамоатчилик муаммоларини ҳал қилишда (кўпинча давлат, хусусий ва нотижорат ташкилотлари коалицияси орқали) муҳокама қилиш ва рағбатлантириш, музокаралар ёки воситачилик қилиш учун жалб қилиш функциясига айланади [3].

Шу нуқтаи назардан Давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини ўзида қамраб олган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5185-сон Фармонининг мазмун-моҳияти, унда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади [4]. Маъмурий ислоҳотлар концепцияси узоқ муддатга мўлжалланган ва стратегик мақсадларни белгилаган муҳим дастурий ҳужжат бўлиб, уни қабул қилишдан кўзланган мақсад давлат бошқарувининг концептуал янги моделини шакллантиришдан иборат.

Дарҳақиқат, давлат бошқарувини такомиллаштириш динамик ва диалектик жараён бўлиб, у жамият ривожининг эҳтиёжларидан келиб чиқади. Шу ўринда, давлат бошқаруви ҳақида фикр юритишда, даставвал ушбу атаманинг **кенг ва тор маънода** ишлатилишига эътибор қаратишимиз зарур бўлади. Кенг маънодаги давлат бошқаруви атамаси, умуман давлатни бошқариш, давлат ишларига раҳбарлик қилиш маъносига яқин бўлса, тор маънодаги давлат бошқаруви эса бевосита ижро этувчи ҳокимият тизимига кирувчи давлат органлари фаолиятига таалуқли бўлади. Шу билан бирга, давлат бошқаруви самарадорлигини оширишда номарказлаштириш тушунчаси ва мазмунини ҳам анлаш муҳим аҳамиятга эга.

Баъзи тадқиқотчилар номарказлаштиришни давлат бошқарувида маҳаллий даражада маъмурий масалаларнинг ягона марказда тўпланиб қолишига олиб келади деган ғояни илгари суришади. Масалан, Б.Смит номарказлаштириш ўз ичига қарорлар қабул қилиш ва маъмурий бошқарувни марказдан ҳокимиятнинг қуйи даражаларига ўтказишни олиб, кўпроқ, сиёсий масалалар билан боғлиқ, ҳолат дея таъкидлайди [5].

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, номарказлаштириш ҳокимият ваколатлари ва вазифаларининг юқори даражадан қуйи даражага, яъни давлат даражасидан маҳаллий даражага ўтказилиши деган ғоя ҳам назарий қарашларда ўз аксини топган. Бу ўринда Д.Конйерсининг фикрлари ҳам эътиборга лойиқ. Унинг таъкидлашича, номарказлаштириш ҳам сиёсий ҳам маъмурий ҳодиса бўлиб, у қарорлар қабул қилиш ҳамда маъмурий ваколатларни ҳокимиятнинг бир қанча босқичларига тақсимлашни назарда тутди [6].

Давлат бошқарувида номарказлаштириш концепциясини атрофлича ўрганган олимлардан бири Д.Рондинеллининг таъкидлашича, номарказлаштириш қарорларни режалаштириш ва уларни қабул қилишда ваколатларнинг тақсимланиши ёки юқоридан қуйига

берилишини назарда тутиш билан бир қаторда, марказий давлат органлари вазифаларининг маълум бир қисмини уларнинг жойлардаги тегишли ташкилотларига ва маҳаллий ҳокимият ёки ноҳукумат ташкилотларга берилишини ҳам эътиборга олади [7].

Бинобарин, чуқур янгиланиш ва модернизациялаш жараёнларини бошдан кечираётган мамлакатимизда давлат бошқаруви органлари фаолиятини замонавий талаблар даражасига кўтариш – ҳаётий заруратдир.

Давлат бошқаруви органлари тизими, яъни вазирликлар, давлат кўмиталари, кўмиталар, агентликлар, марказлар ва инспекциялар тегишлича ўзларига бириктирилган соҳада қонунларнинг ижросини таъминлаш орқали давлат бошқарувини амалга оширадилар ва юклатилган вазифаларнинг ижросини ташкил этадилар.

Давлат бошқаруви органлари тизими давлат механизмида тутган ўрни ва фаолиятининг мазмунига кўра динамик ривожланиб ва ўзгариб боровчи ҳодиса. Бинобарин, глобаллашув шароитида ижтимоий муносабатларнинг шиддатли ривожини, фан-техника, жумладан, ахборот технологияларининг мисли кўрилмаган тараққиёти ушбу тизим олдида янгидан-янги талаблар, вазифалар ва муаммоларни кўндаланг қўйиши оддий ҳолатга айланиб бормоқда. Масалан, ахборот технологияларнинг кундан-кунга янгиланиб, ривожланиб бориши, бир томондан, давлат бошқарувини ихчамлаштириш, аҳолига давлат хизматларини кўрсатишни осонлаштириш ҳамда вақт ва ресурсларни тежаш имкониятини вужудга келтирса, иккинчи томондан эса, давлат хизматчиларининг ахборот технологияларини чуқур ўзлаштириши ва олган кўникмаларини амалиётга қўллаш олиши, ахборот хавфсизлигини таъминлаш каби талабларни илгари сурмоқда.

Шу ўринда нима учун давлат бошқарувини такомиллаштириш шунчалик долзарб масалага айланди, деган савол туғилиши табиий. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида давлат қурилиши, жумладан, давлат бошқаруви соҳасида ечимини кутиб ётган масалалар ва ундан келиб чиқадиган вазифаларнинг кўламини эътиборга олган ҳолда давлат раҳбари таъкидладики, “Бугунги кунда жамият ҳаётидаги мавжуд муаммоларни самарали ечиш, кенг кўламли ислохотларни изчил давом эттириш зарурати давлат бошқаруви соҳасида мутлақо янги тизим яратишни тақозо этмоқда” [8]. Мамлакатимизда давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланлагани таъкидлаш жоиз:

- ижро ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш;
- кадрлар, моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича аниқ мезон ва тартибларни жорий этиш;
- ижро ҳокимияти органлари зиммасидаги вазифаларни амалга ошириш тартибини, уларнинг масъулият доирасини аниқ белгилаш;
- иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсирларни қисқартириш ва бозор механизмларидан кенг фойдаланиш;
- давлатнинг айрим функцияларини хусусий секторга ўтказиш зарурлиги;
- ҳокимиятнинг вакиллик органлари ва ижро ҳокимияти идоралари ўртасида яқин ҳамкорликни таъминлайдиган усул ва услубларни такомиллаштириб, **ўта марказлашган бошқарувдан босқичма-босқич воз кечиш**;
- давлат хизмати институтини ислоҳ қилиш, коррупцияга қарши таъсирчан кураш механизмларини жорий этиш [8].

Таъкидлаш жоизки, бугунгача ҳам мамлакатимизда давлат бошқарувини ислоҳ этишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони билан мазкур Концепция тасдиқланиб, ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Ушбу Концепцияда давлат бошқарувини ислоҳ этиш ва бозор муносабатларидан келиб чиқадиган замонавий талабларга мослаштиришга қаратилган мажмуавий чора-тадбирлар ўрин олган. Ушбу чора-тадбирлар

ичида давлат бошқарувини номарказлаштириш, яъни марказдан жойларга айрим функцияларни ўтказиш масаласи алоҳида ўрин эгаллайди.

Давлат раҳбари томонидан давлат бошқаруви соҳасида амалга оширилиш зарур бўлган вазибалар ичида бошқарувни босқичма-босқич номарказлаштириш зарурати алоҳида ўрин тутиши таъкидлаб ўтилди: “Биз учун энг оғир муаммолардан бири – давлатнинг функция ва ваколатлари ҳаддан ташқари марказлашиб кетганидир” [8].

Айтиш керакки, илмий манбаларда номарказлаштиришнинг турлича талқинлари мавжуд бўлиб, бугунги кунда унинг кўпчилик томонидан эътироф этиладиган узил-кесил таърифини келтириш қийин. Аслида, номарказлаштириш кенг қўламли, мажмуавий тушунча бўлиб, у марказий давлат органлари ваколатига кирадиган тегишли ваколатларни, турли хил давлат хизматларини кўрсатишни, бюджетга оид ҳуқуқларни қуйи органларга ўтказишда ифодаланадиган демократик жараён. Бу масаланинг долзарблиги шундаки, ушбу ваколатлар Ҳукумат ва марказ органлари томонидан амалга оширилса кўпроқ самара берадими ёки маҳаллий органлар томонидан-ми? – деган масаланинг ечимини ўзида ифодалайди. Бинобарин, давлат ваколатларининг марказда асосиз тўпланиб қолиши, бир томондан, ушбу органларнинг фаолияти ортиқча кенгайиб кетиши ва асосий масалалардан чалғиб кетиши эҳтимоли билан бир қаторда, фуқаролар учун ортиқча бюрократик тўсиқларга олиб келса, иккинчи томондан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳудудга оид масалаларни малакали ҳал этиш, амалга ошириш имконини чеклаб қўяди, демакки, ташаббускорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Кадрларни танлаш ва жой-жой-жойига қўйиш, кредит ва молия воситаларини ажратиш, маҳаллий даражада кўпгина муҳим қарорларни тасдиқлаш бўйича ҳам маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатларини кенгайтириш эҳтиёжи мавжуд.

Давлатимиз раҳбари ўз Мурожаатномасида аниқ мисоллар билан номарказлаштиришнинг зарурлигини асослаб бериб, тегишли рақамларни келтириб ўтди: бугунги кунда 64 та лицензия тури мавжуд бўлса, улардан 21 таси Ҳукумат ва 40 таси эса марказий давлат бошқаруви органлари томонидан берилади. Рухсат беришга оид 220 та ҳужжатдан фақатгина 11 тасини туман ёки шаҳарларда олиш мумкин. Қолган 209 таси учун фуқаролар республика ва вилоят органларига мурожаат қилишига тўғри келади [8].

Давлат раҳбарининг бундай тартибни маҳаллий органларга бу масалада кўпроқ ваколатлар бериши ҳисобига ўзгартириш зарурлиги ҳақидаги фикрлари асосида катта ташкилий ишлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш зарурки, мамлакатимизда номарказлаштириш бир қанча йўналишларда амалга оширилиши назарда тутилмоқда:

- Ҳукумат ва марказий давлат бошқаруви органлари ваколатларини танқидий қайта кўриб чиқиб, бир-бирини такрорлайдиган вазифа, функция ва ваколатларни оптималлаштириш;
- марказий идораларга тегишли айрим ваколатларни жойлардаги органларга ўтказиш;
- маҳаллий давлат органлари, жумладан, ҳокимларнинг кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича ваколатларини кенгайтириш;
- кредит ва молия воситаларини ажратиш масаласида ҳокимларнинг ваколатини кучайтириш;
- ҳокимларнинг ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид қарорлар қабул қилиш ваколатини анча кенгайтириш;
- маҳаллий ҳокимият органларини, айниқса ҳокимларнинг тегишли ҳудудга инвестицияларни жалб этиш бўйича ваколат ва масъулиятини ошириш ва бошқа.

Ушбу вазибаларни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар ичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 2017 йил 12 декабрь ПҚ-3430-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилганлиги алоҳида ўрин тутлади [9].

Ҳукумат томонидан Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида қарор қабул қилиниб, унда 2018–2020 йилларда 58 та давлат хизматини кўрсатиш босқичма-босқич фақат Давлат хизматлари марказлари томонидан амалга оширилиши, 2018 йилнинг ўзидаёқ жами 26 та давлат хизматидан Давлат хизматлари марказлари орқали фойдаланиш имконияти яратилиши, хусусан туғилганликни қайд этиш, адлия органларидан чиқадиган ҳужжатларга апостиль қўйиш, ФХДЁ ва нотариат органлари томонидан архив ҳужжатларини бериш, судланганлик ҳақида маълумот берилиши, шунингдек, нострификация, хорижда меҳнат қилишга рухсатнома, таълим тўғрисида ҳужжат дубликатини бериш каби 10 та давлат хизматидан 2019 йилда, никоҳни қайд этиш, оталикни белгилаш, фарзандликка олиш, пенсия тайинлаш, транспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш каби 22 та давлат хизмати туридан 2020 йилдан бошлаб Давлат хизматлари марказлари орқали фойдаланиш мумкин бўлади [10].

Бугунги кунда, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, қатор ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, барча бўғин ҳокимликларида инвестицияларни фаол жалб этиш бўйича ҳоким ўринбосари лавозими жорий этилди ва бу ҳудудларга инвестицияларни жалб этиш вазифасини янги сифат босқичига кўтариш имконини бериши зарур. Бундан ташқари, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий масалаларга масъул бўлган раҳбарларни, яъни тиббиёт бирлашмаси, халқ таълими, иқтисодиёт, молия бўлимлари, солиқ инспекцияси ва бошқа тузилмалар раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва озод этиш бундай бўён бевосита туман ҳокимлари томонидан амалга оширилади.

Бундан ташқари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг кадрлар масаласидаги ваколатлари қайта кўрилиб, оптималлаштирилиши назарда тутилмоқда. Табиийки, маҳаллий ҳокимият органлари ва ҳудудий органларнинг ваколатлари кенгайиши, ўз навбатида, уларга катта масъулият ва жавобгарлик юклайди. Маҳаллий органлар ва уларнинг раҳбарларининг ўзлари масъул бўлган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши натижалари ва аҳолининг турмуш фаровонлиги учун бевосита жавобгарлиги ошади. Шу тариқа жорий йилда давлат бошқарувини янада демократлаштириш борасида салмоқли саъй-ҳаракатлар амалга оширилади.

Давлат бошқарувини янада демократлаштириш борасида амалга ошириладиган аниқ чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январь куни қабул қилган “2017 йил-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида”ги Фармони ва ушбу Фармон билан тасдиқланган Дастурда белгиланган чора-тадбирлар моҳиятан ва мазмунан мамлакатни модернизациялаш ва жамият ҳаётини янгилашга йўналтирилган бўлиб, уларнинг ҳаётга жорий этилиши Ҳаракатлар дастури муҳим қисмининг бажарилишини таъминлаш баробарида, жамиятимиз ҳаётини янги марраларга олиб чиқади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни хулоса ўрнида таъкидлаш мумкин:

- номарказлаштириш мураккаб жараён бўлиб, у ўз ичига нафақат ташкилий, ҳуқуқий, моддий жиҳатлардан ташқари, маънавий-маърифий омилларни ҳам олади. Бинобарин, муайян ваколатларнинг марказдан жойларга берилиши – бу ўз навбатида масъулият ва жавобгарликнинг ҳам ўтказилиши демакдир. Жойлардаги мутассади шахсларнинг ҳуқуқий маданияти, давлатимиз сиёсатини тўла ҳаётга тадбиқ этишга бўлган қатъий ишончи ва интилиши ушбу жараённинг самарали кечишини таъминлашга таъсир этади.

- лицензиялаш ва рухсат бериш ваколатининг маълум қисмининг маҳаллий давлат органлари ва марказий идораларнинг ҳудудий органларига ўтказилишидан мақсад – аҳолига қулайлик туғдириш, бошқарувни янада демократлаштириш, давлат органларининг халққа хизмат қилишини таъминлаш экан, жойларда сансалорлик, ушбу ваколатлардан ғараз мақсадларда фойдаланиш каби ҳолатлар бўлмаслигига эришиш муҳим, акс ҳолда амалга ошириладиган ўзгаришларнинг аҳамиятига путур етиб қолади. Бундай ҳолатларнинг олдини олишда ҳуқуқ муҳофаза қилувчи органларнинг масъулияти катта. Жамоатчилик назорати ҳам

бу масалада фаол бўлиши кутилади. Бинобарин, янги қабул қилинган қонундан ҳам кутилган мақсад ҳам айнан шу, яъни давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятида қонунийликка риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш ҳисобланади.

- давлат бошқарувини демократлаштириш, хусусан, номарказлаштириш жараёнининг самарали кечишида инсон омилининг аҳамияти катта эканлиги шубҳасиз. Шунга кўра, фуқароларнинг, жумладан, тадбиркорларнинг ижтимоий фаоллиги, ўз ҳуқуқларини амалга оширишга бўлган интилиши каби омиллар ҳам бу муҳим жараёндан кутилган натижага эришишда роли ниҳоятда муҳим.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, номарказлаштириш ҳамда бозор иқтисодиёти қонунийларига асосланган самарали бошқарув (“Smart regulation”)ни жорий этилиши ижобий натижалар бераётгани, юқорида баён этилган кўрсаткичлар асосида яққол ўз исботини топмоқда. давлат бошқарувини такомиллаштириш комплекс чора-тадбирларнинг мажмуи бўлибгина қолмай, балки, жамият ривожини, ижтимоий муносабатларнинг мураккаблашуви, давлат олдига янги-янги вазифаларнинг қўйилиши каби омиллар остида кечадиган диалектик жараёндир.

### Иқтибослар/Сноски/ References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон). (Decree No. 60 of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 28, 2022 "On the development strategy of the new Uzbekistan for 2022-2026" // National database of legislative information, 29.01.2022, No. 06/22/60/0082.)
2. Bevir, M. 2011. Governance as Theory, Practice, and Dilemma. – P. 1-16 in The Sage Handbook of Governance.
3. Robert V. Denhardt, Janet Vinzant Denhardt: The New Public Service: Serving Rather than steering// Arizona State University// Public Administration Review –November/December 2000. Vol 60, №6.
4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 979-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси <https://lex.uz/docs/3331174>. (4. Collection of legal documents of the Republic of Uzbekistan, 2017, No. 37, Article 979; National database of legal documents <https://lex.uz/docs/3331174>)
5. Smith, B., «Decentralization: The Territorial Dimension of the State» George Allen and Unwin Publishers Ltd, 1985.
6. Conyers, D. Decentralization: The Latest Fashion in Development Administration» in Public Administration and Development, Vol. 3, 1983.
7. Rondinelli, D., «Government Decentralization in Comparative Perspective: Theory and Practice in Developing Countries» International Review of Administrative Sciences, 47, (2), 1981.
8. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь. (Address of the President of Uzbekistan Sh.M. Mirziyoyev to the Oliy Majlis on December 22, 2017 // Xalq sozi, December 23, 2017.)
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги 2017 йил 12 декабрь ПҚ-3430-сон қарори // Lex.Uz. (9. Decision No. PQ-3430 of December 12, 2017 of the President of the Republic of Uzbekistan "On the establishment of the State Services Agency under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan")
10. Umarov B., Matveeva L. The role of decentralization reforms in increasing efficiency of public administration // Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2022. – Т. 3. – №. 02. – С. 648-653.

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

7 ЖИЛД, 9 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 7, НОМЕР 9

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 7, ISSUE 9

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000